

## ШИС АЛАЙХИССАЛОМ ИБН ОДАМ АЛАЙХИССАЛОМ ВАССАЛАВОТУ АЛАЙХУМ АЖМАЪИН ЗИКРИ

Шис Сурайёдир ва Оллох муродифидир. У шериксиз тугилган. Авлоди турбатининг махбуби бўлган. Хазрати Одам алайхисеаломга хулкда ва хулк турбатга монанддир, бошка биродарларига караганда кўпрок (отасига) ўхшарди. Баъзиларнинг айтишича, улардан катта эди. Хобилни катл этиш вокеасидан беш йил ўтгач, Кобилнинг синглиси унга кўшилди. Унинг умри бир юз элликка етганда унга вахий нозил бўлди: у хикматдан таълим ва илмлардан дарслар олган дастлабки одамдир. Шу жихатдан хакимлар уни биринчи Уриё деб атадилар. Сурёний тилида Уриёнинг маъноси муаллимдир. Насорийлар ривоятича, икки юз ўттиз ёшида тошу гилдан Каъба хонасини курди. Хос ашёлар билан таъминладики, уни Гознимун дейдилар. Баъзиларнинг айтишича, Малжоъ ибн Одамнинг ўглидир. Бу гапга асос йўк. Шис хайъат, нужум, хисоб илмларида ўз нуктаи назари хукмларига эга бўлган биринчи одамдир. Ўз оха-онаси учун намоз ўкиган дастлабки одамдир ва ўз отаси амру васиятларини адо этишга бел боглагандир. Одамлар уни фарзандлари орасида хат ёзиш таълими, хайётлик ва карбос кийишни одат килган биринчи одамдир, дейишади. Банди-лик ва бандалик расмини жорий килган биринчи одам хам шудир. Худо йўлида жиход килмокни касб айлаган биринчи одамдир. Оташпарастлик йўлидан кетган Кобил фарзандла-ри билан аксар жангга кетардилар. Насихатга кулок солдилар. Аммо оталарини банд килиб, келтириб, танбех берди. Ул сохибу саодатга карашли одамларни кеча-кундуз соатларини ибодатда ўтказишни (таъкидлади). Унинг шариати отасининг шариати эди. Эллик сахифа кирк йил муддатда унга нозил бўлди. Саксон йил халкни шу тўгри йўлдан устивор бошлади. Бир минг ўн икки ёшлигида дунёдан ўтди. Баъзилар фикрича, тўккиз юз ўттиз икки йил, бошкалар сўзича эса тўккиз юз йил умр кўрган. Кейин жаннат томон йўл олди.

## АНУШ ИБН ШИС АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Анушнинг маъноси содикдир. Ануш Шис ибн Одамнинг васий ўгли бўлди. Баъзиларнинг

сўзига караганда, у пайгамбар бўлмаган, аммо васий бўлган. Кавмини Одам алайхиссалом динига даъват этган. Подшолик, салтанат ва фармонраволик даъвосини кўйиган биринчи одам шу эди. Хурмо дарахтини экиш унинг ихтироларидандир. (в. 6а). Ёши тўккиз юз олтмиш бешга етганда, бошка ривоят бўйича тўккиз юз эллик йиллигида ўгли Кайнон ибн Ануш ибн Шис ибн Одам алайхиссаломни ўзига васий ва халифа килиб тайинлади. Кейин оламдан ўтди.

## КАЙНОН ИБН АНУШ ИБН ШИС АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Кайноннинг сурёнийча маъноси зобитдир. Кавмга юз йил бошчилик килди. 900 йил, бошка фикр бўйича 910 йил, (учинчи) бир ривоятга караганда 840 йил умр кўрган. Ихтилофли ривоятлардан катъий назар, у Бино шахрини кургани маълум. Иморатлар, богу бўстонлар тархини чекиш унинг ихтироларидандир. Ўгли Махлоилни ўзига коиммаком этиб тайинлади.

## МАХЛОЙИЛ ИБН КАЙНОН ИБН АНУШ ИБН ШИС ИБН ОДАМ АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Махлойил Мамдух муродифидир. Махлойил отаси ўрнига коиммаком бўлгач, 300 йил подшохлик килди. Фарзандлари кўп эди, 895 ёшга етганда, бошка бир фикр бўйича 926 йил умр кўрди, фикрлар ихтилофидан катъий назар, Суси Аксо шахри у курган бинолардандир, Ўгли Барвин Махлойилни ўзига васии ва койиммакомликка тайинлади. Баъзилар унинг исмини Борид дейишади. Бориднинг маъноси Зобитдир. Борид баъзилар сўзича 967 ёшга етганда ўлган. Бошка ривоят бўйича 960 ёшга кирган. Дарё ва анхорларни у пайдо килган. «Нафойис-ул-фунун» сохиби сўзига караганда фарзандлари сони кўпая бошлагач, атроф заминни эгаллаб, хукмронлик килганлар. Шайтон игвосига учиб бутпарастликни бошлаганлар.

## АХНУХ ИБН БОРИД ИБН МАХЛОЙИЛ ИБН КАЙТОН ИБН АНУШ ИБН ШИС ИБН ОДАМ АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Баъзилар таъкидича, «Хунух» хамзасиздир. Сабоги кўплигидан Идрис хам деб атаганлар. Унга салавоту саломлар бўлсин, Ул хазратни Урёйи солис деб атаганлар. Хурмус ул-Харомиса деганлар, Волидул-хукамо атаганлар. Мусалласун-наъм вар-раёса

хам деганлар. Айтишларича, пайгамбар, подшох ва хаким бўлган. Хурмус Уторудга муродиф эди. Абулмаъшар Балхийнинг ёзишича, Харомиса (Хурмуслар) кўп бўлган. Лекин фазилатлилари уч киши бўлган, деб айтадилар. Бири Хурмус ун-наби бўлиб, Идрис алайхиссаломдир. Иккинчиси, Хурмус Бобилий Роййон анбиёси жумласидан. Лакаби Боворёйи соний бўлиб, Хаким (в. 66) Фисогурш унинг шогирдидир. Илмлар йўколиб, Тўфонни кайта бошдан тузди. Учинчиси Хурмус Мисрий. Исфилунснинг устоди. Жамеъи илмларда хусусан тиб илмида ва кимё илмида махорат хосил килади. Баъзилар ёзадики, Идрис алайхиссалом Одам алайхиссалом вактида 100 яшар ёки 363 яшар бўлган. Бошка бир ривоятга кўра, Армурхон сўнгги пайгамбар ва улуг хашаматли бўлган. Гарчанд уламо наздида улувул-азимлиги тасдикланмаган бўлса хам, пайгамбар бўлганига хеч ким шак келтиролмай-ди^ зероки Идрис алайхиссалом хитоби Куръонда зикр этилгандир. Хар набики, сохиби китоб экан, уни расул деб атайдилар. Гарчи, барча илмларни унга нисбат берсалар хам, алайхиссалом. Аммо, илми хайъат бўйича машхур кишилар фикрича нужум ва юлдузшунбслик унйнг мўъжизалари-дандир. Ёзув, ип йигирмок, тўкувчилик, тикувчилик санъ-атлари шул жанобларига мансуб, деб биладилар. Миср эхромларини у курган деб айтадилар ва у ердаги шакллар, суратлар жамий санъатлар суратларини хамда асбобларини ихтиро килган, дейишади. Айтадиларки, Тўфон холидан у хабар берган. Даъват муддати давомида 120 йил ичида 30 сахифа ул жанобга ташрифи нузул бўлган. Миср ва унинг худудида бўлган. Бир гурух одамлар айтишича, Хиндистон саводи аъзамида яшаган. Лекин ул хазрат кадамлари асари Мисрдаги Дамиёт шахрида,тош тахта устида ўлтирганлари маълум. Хазрати Жаброил алайхиссалом келганда ўз кано-тида кўтариб осмонга олиб чикиб кетган. Эхтимол, оёги ўшанда Хиндистонга хам кўйилган бўлиши мумкин. Айтадиларки, офтобнинг бир бурждан иккинчи буржга ўтишини Оллох неъматларининг зохир бўлиши деб билган ва (шу муносабат билан) ажиб бир байрам ташкил этган. Юлдузларнинг шараф буржига етишларини карамли деб билган. Хорут билан Морут киссаси хам ўша замонда келиб чикди. Бир ривоятга кўра, 365 ёшида Хак таоло Идрисни тўртинчи осмонга олиб чиккан. Бошка бир ривоятга караганда тўртинчи осмонда унинг рухини олган. Баъзи-ларнинг айтишича, бехиштга олиб бориб, хакикатга якин ривоят шулки, Хак жалла ва аъло фазли ва иноятидан камолот, илму амалидан малойикалар орасида гулгула пайдо бўлганмиш. Малакул-Мавтда у билан сухбат иштиёки пайдо бўлган (в. 7а). Хазрати Роббул-иззат ижозати билан Идрис алайхиссалом билан хамсухбат бўлган. Натижада хамма билан дўстлик иттифоки вужудга келган. Умри 365 ёшга етганда Идрис алайхиссалом илтимоси билан АзрОил алайхиссалом Хакдан ижозат олиб, унинг рухини олган ва жаханнамнинг жамеъи каърларини ва азобларини кўрсат-ган, жаннат тамошасига олиб келган. Икки дўст сухбат чогида Идрис Азроилга шарт килган эдики, жаннатни томоша килдиргандан сўнг чикишиб, иккинчи бор, Тўбо дарахти остида наълларимни эсдан чикариб колдирибман, деган бахонани килиб, яна кайтиб жаннатда ўрнашди, У ердан чикмади, жаннат ичида ўлтириб Азроил алайхиссалом сўрокларига жавоб берди. Матушулх ибн Ахнух, яъни Идрис алайхиссалом ибн Бардин ибн Махлойил ибн Кайтон ибн Ануш ибн Шис алай-хиссалом ибн Одам сафиюллоху саловутоллохи алайхум ажмаъин, катта кавмга айланди ва отаси динида устивор хамда одамлар орасида адлу эхсон сифатлари билан шухрат топди. Умри узун бўлди, вафот этгач, ўгли Ламйк ибн Матушулх ибн Ахнух ибн Бардин ибн Махлойил ибн Кайтон ибн Ануш ибн Шис ибн Одам саловатуллох алайхуму ажмаъин, отаси ўрнига ўлтирди. Баъзилар унинг номини Ламакон, бошкалари Ломйсак дейишади. Ломис фиркаси ва Ломих гурухи ва зумрайи Лом

дейдилар, АлиЛму Индаллох. Айтишларича, Ламйк ибн Матушулх ёлгиз ўтган. Унинг замонида бутпарастлик залолати шухрат топди. Хабар беришларича, Хазрати Идрис алайхиссаломнинг осмонга кўтарилишидан кейин умматлар орасида бутпарастлик кенг ёйилди. Лекин аслида унинг пайдо бўлиши Махлойил ибн Кайнон ибн Ануш ибни Шис алайхиссалом вафотидан кейин юз берган. Айтишларича, шу нарса хакикат эдики, Махлойил шакли айни Одам алайхиссаломга ўхшарди. Ул хазратни кўрганлар хам, Хазрати Сафиюллохни кўрмаганлар хам келиб Махлойилни зиёрат килишдан хушнудлик изхор этар эдилар. Одам алайхиссаломга канча назрлар олиб келган бўлсалар, Махлойилга хам шунча берардилар. Махлойилнинг вакти-соати етгач ва Хак рахматига етишгач, улкан бир кофила узокдан (в. 7б) катта назрлар билан Махлойилни кўргани келаётганди. Махлойилнинг авлоду сахобалари хайрон бўлдиларки, улар гапирганда «хийла киляпсизлар», дедиларки: олиб келган бу микдордаги олтинларни чикарманглар, Махлойил жамъ килиб хазина килган шу микдор олтинлар бунинг олдида хечдир. «Сиз ахли олам омийлари орасида азизу мукаррам эрурсиз», деб Махлойилнинг ясалаётган суратининг бир кисмини кўрсатдилар. Суратни Махлойилдан харгиз фарк килолмадилар. Окибатда савобга асли-бу сураткаш кўли биланки, аслида Шайтон эди, етишди. Махлойил пардасини ўзининг юзига ташлаб ўлтирганди. Уни ўша сурат устига ташлаб, гулому нкинлари ўша сурат олдида мулозаматда манзари олийда турдилар, Кўп микдорда олтинни назрга олиб келганлар узокдан катта эхтиром билан мулозаматига топширдилар. Бу Махлойилми ёки Махлойилнинг суратими эканлигини тушунмаган жамоат шу тарика бир оз муддат одамлар олтинини олиб хазиналарйга тўпладилар. Бир пушт ўтгандан кейин хакикатдан вокиф бўлмаган фарзандлар ўз шайтонла-рини кўрсатиб, маъкул килдиларки, аждодларингиз шу суратга сажда килганлар, сигинганлар. Сиз хам сажда килсангиз, улар нима кўрган бўлишса, сизлар хам шуни кўрасизлар, дедилар. Вакт ўтиши билан бу суратга Махлойил авлоди сажда килганлар. Бу хол Ламк ибн Матушулх замонигача машхур бўлиб кетди. Машрикдан Магрибгача Маккада Худоси бўлган бир кисм халкда бу одат йўк эди. Бутун ер юзида халк бутпарастликка юз тутди. Айтишларича, Ламк ибн Матушулх ибп Ахнух 770 йил умр кўрган, У бутун олам1а нидо килдики, ўрнига Сакиб ибн Ламк ибн Матушулх ўлтиради.

## НУХ БАХОУЛЛОХ АЛАЙХИССАЛОМ ИБН МАТУШУЛХ ИБН АХНУХ ИБН БАРД ИБН МАХЛОЙИЛ ИБН КАЙТОН ИБН АНУШ ИБН ШИС ИБН ОДАМ АЛАЙХИССАЛОМ САЛАВОТУВАССАЛОМ ЗИКРИ

Нух алайхиссаломнинг исми мубораклари Сакибдир. Баъзилар Масокиб дейдилар. Баъзилар эса Сокиб деб ўкиганлар. (в. 8а). Бошка бир гурух (олимлар) Мискар деб ёзишган. Хар холда мурод Нух алайхиссаломдир. Хадис хукмича, «Ма хайлу у лавалазм даввам» дир ва уни Одами соний атайдилар ва Шайхул-анбиё ва Бахоуллох унинг лакабидир. Кўпчилик карих одамлар уни Нух дейдилар. Умри узун бўлгани учун Шайхуланбиё дейишган. Айтишла-рича, кирк ёшидан кейин Мабъус — пайгамбар бўлди. Баъзилар фикрича, 200 йилдан кейин набилик давлатига мушарраф бўлган.

Бошка ривоятга кўра, 480 ёшида вахийга уни (худо) мумтоз килган. Ихтилофли фикрлардан катъий назар, у биринчи бўлиб носихолар шариатини кавми орасига ёйган эди. Киёматнинг келишини бир кун олдин Хазрати пайгамбаримиздан, саллоллохи алайхи вассалом, хабар берган биринчи киши шу жаноби алайхиссалом эди. Пайгамбар голдузи, яъни кавм унинг дуоси билан халок бўлганлар, Салавотуллохи алайх. Умри 1400 га етганда тўфон вокеаси юз берди. Хазрати Нух алайхиссалом хозир хам Куфада мавжуд бўлган Тануридаи бошланди. Шайху-ланбиё алайхиссалом 20 ражабул-мураж жабда 80 китни билан 920 йил унинг гаровида бўлдилар. Ўзи ясаган узунлиги 80 зироъ, «Жахоноро» сохибининг фикрича, узунлиги 300 зироъ ва эни 50 зироъ, баландлиги 30 зироъ, «Нафойисул-фунун» сохиби сўзича, узунлиги 1200 ареш, кенглиги 600 эреш, бошка бир фикрга кўра тасаввур килиш мумкинки, кема курилиши жараёнида кофирлар масхара юзасидан ул жанобга: «Пайгамбарликдан кейин дурудгор бўласан» (дедилар), Кема уч табакалик килиб курилиб бўлгач, биринчи табакаси уй хайвок (даввоб) лари учун, иккинчиси инсон ва яна кушлар учун эди. Бу кемани ўзининг уч фарзанди Ёфас, Сом, Хом ёрдами ва кўмаги билан курди.

Нух танурипинг суви, ки унга Одам алайхиссаломдан Нухга мерос колган эди. Бу танур темирдан ясалган бўлиб, Жаброил алайхиссалом Одам алайхиссалом учун келтирган эди, кайнаган куни, ўша 80 одам ва унга тобеъ уч ўгли жамъ бўлган 20 ражаб ул-мураж жаб куни Тўфон бошланганидан бир кеча-кундуз ўтгач, кемага тушдилар. Осмондан (в. 86) кайнок ёмгир ёгди, ердан совук сув кайнаб тошди. 168 кун давомида кемада бўлдилар. Панжшанба куни 9 мухаррамул-харомда кемадан тушдилар. Бу тўфоннинг суви тамоми рубъи маскунни коплаган эди ва дунёда бир тогки, ундан баландрок тог йўк эди, тўфон суви шу тогдан кирк газ баландрок кўтарилган эди. Худои таоло фармони билан Хазрати Нух алайхиссалом кемаси Магрибдан Машриккача ва Машрикдан Магрибгача икки марта бориб келди. Кейин Хазрати Субхон амри билан Нух алайхиссалом кемаси Мўсул жазираси тогларидан Жуди тоги чўккисига келиб тўхтади. Нух алайхиссалом пайшанба куни Мухаррам ул-харомнинг ўнинчи куни ўз авлоди ва асхоби билан кемадан тушдилар.кейин шу ерда «Мадинатул-самонин» деган шахар курдилар. Баъзиларнинг фикрича, бу шахар «Сухи Само-нин» дейилган. Бир неча кун ўтгач, ўша 80 нафар одамнинг 7 нафаридан бошка хаммаси ўлди, Онхазрати Нух алай-хиссалом ва у кишининг уч фарзанди: Ёфас, Сом, Хом, Нух алайхиссалом ўгилларининг хотинларидан ташкари хеч ким колмади. Айтишларича, бу етти нафардан ташкари яна икки киши хам колган, лекин булардан насл йўк. Бу одамларки хозир хаёт кечирмокдалар Хазрати Нух алайхиссалом авлодларидандир. Ўша икки нафарининг бири Авж ибн Унук бинти Одам алайхиссалом, иккинчиси бир кампирнинг набираси эдики, Нух алайхиссалом билан дўст эди ва хануз кофир эди ва хар кун Нух алайхиссалом учун бир нон ва бир коса катик олиб келарди ва айтардики, эй Нух, мену кофиримга ўз чўбин уйингга албатта йўл бергинки, мен сендан хеч бир ёлгон сўз эшитмаганман. Сенинг тўфон бўлади, деганинг албатта рост бўлиб чикди.

Хазрати Нух алайхиссалом унга хурмат юзасидан ваъда бердилар. Тўфон турган кунлар Худойи таоло ўша кампир ва хазрати Нух алайхиссалом хар иккисини бир-биридан ажратиб, хижобга солиб кўйди. Бутун кофирларнинг ишини тўфоннинг бир мавжи билан хал килди. Кемадан ерга тушган кунлари бир куни барча кампирлар коида бўйича (в. 9а) олдин бир арпа нони ва бир коса катикни Хазрати Нух алайхиссаломга келтирган ва кўп маъзиратлар килган эдиларки, «ё Нух, мана олти ой бўлибдики, мен ўша суви куриган дарё бўйидаги чайлада хеч сув колмаганидан, илло озгина сув машкнинг бир бурчида

колган эдики, найда олти ой мен ва менинг сигиримга кифоя килди. Сув важидан кўп танглик чекдим. Етишмовчилик важидан хизмат маъзурида камчилик бўлди. Умидворманки, камчиликларимни афв этурсан». Хазрати Нух алайхиссалом кампирни кўришидан гааж жубда колиб бошини саждага кўйди: бир сир инкишо-фига доир илми вокеъ бўлди. Дархол Хазрати Жаброил Хазрати Раббул-жалил амри билан нозил бўлиб баён этдики: «Ё Нух, Хазрати хак таоло дейдиларки, бу пиразол холисона сенинг мухаббатингда яшади. Гарчанд, миллатда сендан бегона бўлса хам. Сенга бўлган мухаббати туфайли бизнинг дўстимиз бўлишини истаяик, нахотки дуагманларимизга кўшилиб дўстимиз гарк бўлса. Яна у билан шундай муомала килдикки, харгиз кахру газабимиз вахми унга маълум бўлмасин, токи унинг хотири ташвишда ўтмасин». Шундан кейин хазрати Нух алайхиссалом пиразол борасидаги хакикатдан огох бўлди ва шу пайтдаёк мусудмон бўлди ва ўзи калимаи тавхидни наъра тортиб., ўКиди: Ла илаха илоллоху, ва жонини хакка таслим килди. Азизим, худо. дўстларининг мухаббатини кўргинки, кофирларга кандай асар ва натижа берди. Биз ва сиз мусулмончиликдан лоф урамиз ва чандон бахрага эга эмасмиз. Бу шундан далолат берадики, дўстликда садокатли эмасмиз.

Агар ихлосимизда бирор фатво бўлмаса, хар эхтимолда ишлар бошкача бўлурди. Доимо Худои таоло бизнинг ва сизнинг ихлосцнгизни камол мартабасида тутади ва нуксонларимиз бйлан кабул килур. Хазрати Мухаммад расулуллох соллаллохи алайхи ва алаихи ва сахоба ва саллом, дўстликда Хазрати Нух алайхиссаломдекдир. У кишининг Сом, Хом ва Ёфас деган уч ўгли бор эди ва Хазрати Одами Соний ўгилларининг уч хотини, у кишининг Канъон деган тўртинчи ўгли ва унинг онаси Хазрати Нух алайхиссаломга иймон келтирмаган эдилар. Ложарам, Хазрати Хак жалла ва ало уларни «Йаталатаму амважун аннуху лайса мин ахлака» («гапларга караганда у сенинг ахлингдан эмас») гирдобига (в. 9б) гарк килди. Уларнинг бесаодатлик вокеасидан хабар бериб, то олам инкирозигача мехробу, масжидлару, мадраса-ларда кироат килмокни буюрганлар. Шундай накл борки, хазрати Нух алайхиссалом дунёники, рубъи маскун хам дейдилар, ўзининг уч ўглига таксим килиб берганда, хар кайсисини маъмур килинган тарафга жўнатди. Бу авлод ўзининг мукаррар томонига йўл солиш максадида бир неча кун оталари хузурида колдилар. Бир куни Нух алайхиссалом уйкуда чогида баногох Хазрати Нух алайхиссалом жомасииинг этаги очилиб, авротлари кўриниб колади. Шу вактда Хомнинг назари отаси авротига тушади ва ўринсиз ханда отиб кулиб юборади. Бу Хомнинг беадаблигидан Сом жуда хижолат тортди-да, кечирим сўраш ниятида, ёпиб кўййш учун интилди. Аммо Ёфас Хомнинг кирдоридан вокиф бўлиб унинг адабини берди. Хом Ёфасга ёпишганди. Хазрати Нух алайхиссалом буларнииг гавгосидан уйгониб кетди. Караса, Хом билан Ёфас бир-бири билан олишмокда, Ёфас Хомнинг адабини бермокда, Сомдаи улар жанжали хакикатини сўради. Сом гояти уялганидан жавоб бера олмади. Охир — улар, жанг сабаби, Ёфас алайхиссалом биЛан Хом орасидаги жанжал сабабидан Хазрати Нух алайхиссалом вокиф бўлди ва Сом хакига дуо ўкиди: «Хак таоло сени ва фарзандла-рингни солихлар, набилар ва авлиёларга аилантирсин!» Хом хаккига дуо ўкидиларки, Хакки субхона ва таоло, сенинг авлодингдан коралар яратилгай. Ёфас борасида дуо килдиларки, Хак таоло сени ва фарзанддарингни азиз ва мукаррам тутиб, фазлу ахсонинг барокотидан наслингизда баракот бўлгай.

Таворих ахли киборларидан баъзиси бу наклнинг таъсирини йўкотишга тиришиб, Хом хакида килинган дуо сабабини бошкача тушунтирадилар: Бўлса бордир. Хар такдирда хам бу уч ака-ука хар кайсиси ўз хизматларини адо этмокка киришади. Оталари туфайли

ва дуосидан учга бўлиниб кетдилар, дейдиларки, ризк турличадир.
Хазрати Нух алайхиссалом бугдойранг эдилар. Багоят рахм-шафкатли, оёк-кўлли, (в. 10а) йирик-йирик кўзли, баланд коматли, камсукум айни пайтда нихоятда шиддатли ва газабли бўлганлар. Дейдиларки, Тўфон аввалидан то мукаддас хижратгача 3984 йил ўтган.
Хомнинг «Жахоннамо» рисоласида Тўфон бошланиши жумьасидан то хижратнинг пайшанбасигача Абурайхон ва унинг шогирдлари тахкикотига кўра, 3725 йилу 348 кун ўтгани кўрилган.
Аловуддин ибн аш-Шотир Димишкий ўзининг «Китоби нузхатун-нозир» (асари) да Тўфоннинг бошланишини пайшанба куни деб ёзган. Тўфон бошланган кун пайшанбадан то хижрат бошлашан пайшанбагача 3725 йил ва 350 кундир. Бу йилларнинг кунлари 13 лак 59 975 кун бўлади. Ўтган йиллар харасдир. Бир гурух (олимлар) нинг ёзишича, Одам алайхиссаломнинг ерга нозил бўлишидан Нух алайхиссаломнинг Тўфон кунигача 2242 йил ўтган. «Жахоноро» (китоби) сохибининг ёзишича, 2200 йил. Баъзилар Заххокни ўша даврда ўтган, Дейдилар. Бу галатдир. Зероки, мўътабар тарих китобларйда Заххокни Мархасп ибн Тоз ибн Арам ибн Сом ибн Нўх алайхиссаломнинг ўгли деб ёзилган, Заххокнинг Нух алайхиссалом асрига якин булгани (хакикатга) хилофдир. Алкисса, Нух алайхиссалом бу оламни тарк этганда у кишидан мазкур уч угилдан бошка авлод колмаган.

давоми бор...